



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Унгалов Азизбек Амириддин Ўғли

Самду Йіі Босқич Тяңч Докторанти

**ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАҲРДА АРАБ ХАЛИФАЛИГИНИНГ УММАВИЙЛАР  
СУЛОЛАСИГА ҚАРШИ МУҲОЛИФАТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ**

## Аннотация

Араб халифалигига уммавиийларнинг ҳокимиятга тепасига келиши, уммавиийларга қарши муҳолиф томонлар ва уларнинг мақсад-муддаолари, Араб халифалигига олий ҳокимиятнинг уммавиийлардан аббосийларга ўтиши.

**Калит сўзлар:** Араб халифалиги, муҳолифат, Хурросон, Мовароуннахр, шиа, хорижийлар, Абу Муслим, Наср ибн Сайёр, Марвон II, Забб жангти.

VI аср иккинчи ярми ва VII аср бошларида Арабистон ярим ороли ва унга туташ ҳудудлардаги вазият янги давлат тузишни тақоза этмоқда эди. Шу тарихий зарурат 630 йил Ислом байроби остида янги давлат – Араб халифалиги давлати (630-1258)нинг вужудга келишига олиб келди [1, с. 19-22 ].

Янги давлат ўз ҳудудини шарққа ва ғарбга кенгайтира бошлади. Халифалик ўз ҳужум йўналишида жойлашган шаҳар ва давлатларни эгаллашда икки усул – ҳарбий ва маънавий забт этишдан фойдаланди [3, б. 62-63]. Ҳарбий забт этиш асоси араблар ва кейинчалик ажамлар ва бошқа босиб олинган ҳудуд аҳолисидан ташкил топган қўшин асосида олиб борилган талончилик ва истилочилик эди. Маънавий жиҳатдан забт этиш эса истило этилган ҳудудларни янги дин – Ислом байроби остида халифаликка тамоман бўйсундиришни анлатган.

VIII аср биринчи ярмига келганда, Араб халифалиги ғарбда Гибралтар бўғозига қадар, шарқда эса Талос водийсига қадар бўлган ҳудуддаги шаҳар ва давлатларни забт этиб бўлган. Хусусан, 633-651 йилда шарққа ҳаракат йўналишидаги йирик



хукмдорлик – Сосонийлар давлати (226-651)га хотима берган [4, б. 108]. Араб халифалиги Сосонийлар давлати жойлашган улкан ҳудудга нисбатан Хурасон деяном бердилар. Унга кўра Хурасонга бугунги кунда Эроннинг шимоли-шарқи, Афғонистоннинг шимоли, Туркманистон-нинг жанубидан то Амударёгача бўлган ҳудудлар кирган [5, Б. 272, 659]. Марв шаҳри Араб халифалигининг Хурасондаги марказига айланди. Айнан мазкур шаҳар Шарқанинг бошқа ҳудудларини эгаллаш учун ўзига хос марказ ролини ҳам бажарди. Араб халифалигидаги бошқарув ҳужум йўналиши, шунингдек, у ерда мустаҳкамланиб олиш тамойилидан келиб чиқиб, жойлардаги вакилларнинг бир-бирига бўйсуниш принципига асосланган эди. Бунга мисол қилиб халифалик шарқидаги босиб олинган ҳудудларнинг бошқарувига диққат қиласиз. Араб халифалиги томонидан Ироқ Хурасондан олдинроқ эгалланган эди. Мовароуннаҳрдаги талончилик, истилочилик ва узил-кесил забт этиш босқичлари Сосонийлар давлатига хотима берилган даврдан кейинги жараёнлардир. Шу жиҳатдан қаралса, уммавийларнинг Хурасон ноиби Ироқдаги халифалик ноибига бўйсунган. Мовароуннаҳрдаги халифалик маъмурлари бевосита Хурасон ноиблари кўрсатмаларини бажарган.

Халифалик қўшинлари 654-715 йилларда Мовароуннаҳрга нисбатан талончилик ва истилочилик юришларини олиб бордилар. Улар Амударёдан шимолдаги ҳудудларни Мовароуннаҳр (дарёнинг нариги томони) деб атай бошладилар. Мовароуннаҳрдаги юришлар 705 йилдан ўз аҳамиятини ўзгарти-риб истилочилик юришларига айланди. Бу даврда Хурасон ноиби бўлган Кутайба ибн Муслим Боҳилий (705-715) бу вазифани моҳирлик билан уddeлади [3, б. 120]. Кўп жиҳатдан унга Мовароуннаҳрдаги вазият ҳам қўл келди. 563-567 йилларда Турк хоқонлиги (552-742) Эфталлар давалати (V асрнинг 20-йилларидан VI асрнинг 70-йилларигача)нинг Мовароуннаҳрдаги хукмронли-гига хотима берган ва бу ерда ўз хукмронлигини ўрнатган эди.

Хоразм ва Мовароуннаҳрдаги Суғд, Тоҳаристон, Чоч, Фарғона каби воҳа ҳокимликлари Турк хоқонлиги даврида анчайин эркин бўлиб, туркларнинг бу ердаги хукмронлиги муайян миқдордаги божни олиб туриш билан белгиланган. Турк хоқонлигининг ҳам ўша даврда катта ҳудудни эгаллаб турган (шарқда Олтойдан гарбда Кавказгача). Бу улкан ҳудудни бошқариш қийинчилик туғдиргани боисдан ҳам VI аср 80 йилларида Турк хоқонлиги Шарқий ва Ғарбий хоқонликка бўлиниб кетган [6, Б. 82]. Мовароуннаҳр ҳудудлари Ғарбий хоқонлик таркиби кирган. Бу даврда Хитойда мавжуд Суй (589-618) ва Тан (618-907) сулолари билан туркларнинг муносабатларида гоҳ муроса, гоҳида эса кескинлик ҳолатлари кўзга ташланиб турган [9, Б. 383-384]. Алалоқибат, Тан императорларининг дипломатик миссияси Турк хоқонликларини заифлаштирган. Кутайба ибн Муслимнинг Мовароуннаҳрдаги истилочилик юришлари давом этаётган бир пайтда Ғарбий Турк хоқонлиги (603-710)нинг заифлашув босқичи ва Туркаш хоқонлиги (710-742) ташкил топиш даври эди [4, Б. 120]. Шундай бўлса-да, Кутайба ибн Муслим Мовароуннаҳрни қийинчилик билан забт этди. Халифалик олдида энг йирик масала – Мовароуннаҳрни узил-кесил эгаллаш вазифаси кўндаланг турар эди.

Айни шу вазифани амалга ошириш жараёнида уммавий халифалар ва уларнинг амалга оширилган сиёсалари, жойлардаги маъмурлар билан халифалик марказидаги ҳокимият ўртасидаги номутаносиб ва ноизчилликлар оқибатида уммавийларга қарши қатор муҳолифат гуруҳлар шаклланди. Биз бу муҳолифат ва унинг юзага келтирган сабабларни атрофлича шарҳлашга ҳаракат қиласиз. Аввало, уммавийларга қарши



сиёсой мұхолифат ҳақида тұхталамиз. Тұғри, кейинчалик вужудға келған ижтимоий мұхолифат ҳам тұғридан тұғри сиёсий режимге қарши қаратылған, лекин ижтимоий мұхоли-фатнинг вужудға келиши сиёсий омил натижасыда әмас, балки ижтимоий омил самараси үлароқ майдонға чиққан.

Уммавийларға қарши сиёсий мұхолифат бу Исломнинг шия гурухы [10, Р. 162] әди. Улар Муовия I (661-680) ва ундан кейинги уммавий халифалрнинг ворисийлик асосидаги бошқарувига қарши әди. Улар ҳокимиятни Мұхаммад (с.а.в) оиласига қариндош халифа Али (656-661) авлодларини халифалик таҳтига ҳаммадан ҳам күпроқ муносиб деб билишган. Уммавийларни эса Мұхаммад (с.а.в)нинг авлодларини қириб юбориша айблашған. Шия гурухы ичиdan ажралиб чиққан хорижийлар [2, С. 56] ҳам уммавийларни Ислом ва уннинг ақкомларига тұлиқ амал құлмаётгандарларини рүкоч қилиб ҳокимиятдан четлатишиң мақсад қилишган әди. Хорижийлар ҳаркатининг туб замирида сиёсий мақсад яширган бўлиб, улар ҳам уммавийларнинг ворисийлик жиҳатига қарши кескин томон әди. Хорижийлар халифанинг Ислом жамоаси орасидан сайлаш зарурлигини уқтирган [2, С. 114; 11, С. 114]. Хорижийлар ўз мақсад муддаоларига эришиш учун ижитмоий-иқтисодий жиҳатдан қийналған жойлардаги аҳоли вакилларини ўз томонига оғдиришга эришган. Улар оддий халқ дардини тинглаш баробарида улар билан биргалиқда уммавийлар ва уларнинг жойлардаги ноибларига қарши чиқишишган. Аҳолидан юзага келған таянч эса, уларнинг сиёсий мақсадлари учун йўл очган ҳам бўлар әди.

Хорижийлар нима учун битта гуурхға бирлашмаган деган ҳақли савол туғилади?! Бунга қуйидагича жавоб беришимиш мумкин. Биринчидан, хорижийлар ўнлаб гурухларга бўлингани ҳолда ҳаракат қилған. Ҳар бир гурух ўз ҳаракати тарқалған ҳудуддаги аҳоли орзу-интилишларига ўз ғоя ва маслакларини мослаган. Шу жиҳатдан, уларнинг “Арзокийлар” сингари агрессив ҳамда “Ибодийлар” сингари мұтадил гурухлари шаклланған [12, Б. 51]. Иккинчидан, ҳар бир таркиб топған хорижийлар гурухи ўз раҳномасининг олий ҳокимиятга ўтқазишиң мақсад қилған. Табиийки, мазкур жиҳат хорижий тұда ва гурухларнинг бирлашув масаласини сўроқ остида қолдирған. Хорижийлар томонидан халифанинг Ислом жамоаси орасидан сайлаш борасидаги ташвиқоти ҳам мазкур жиҳат билан изоҳлашга мантиқий асос бўлади.

Шиалар ва хорижийлардан кейин вужудға келған, уммавиларнинг барча ракибларини ягона нұқтага жамлашга мұяссар бўлған, кучли мұхолифат – аббосийларнинг тарғиботчи гурухлари бўлиб чиқди. Улар ўз фаолиятини маҳфий тарзда олиб бориша. Бу маҳфийлик улар учун бошқа мұхолифат ғоя ва қараашларига мослашиб, улардан ўз мақсадларига эришиш йўлида фойланишди.

Әнг аҳамиятли жиҳати, юқорида номини тилга олғанимиз учала гурух ҳам ўз фаолиятини шарқда Хуросон ва Мовароуннахрда олиб боришига, у ерда куч түплашға ҳаракат қилдилар [13, С. 175]. Буни ҳам қуйидагича исоҳлашимиз мумкин: Биринчидан, Хуросон, айниқса, Мовароуннахр воҳа ҳокимлуклари шарқдан қувват олиб туриш мумкин әди. Иккинчидан, бу ерларда таркиб топған иқтисодий шартшароит, хусусан, ҳосилдор ва унумдор ерлар мұхолифатни марказдан айро ҳолда кун кечиришига ҳам олиб келған. Учинчидан, Хуросон ва Мовароуннахрнинг ўзида ҳам уммавийларға қарши фаол мұхолифат шаклланған. Бу ерларда таркиб топған мұхолифат аъзолари-нинг ўз мақсад-муддаолари бор әди. Масалан, бу ерлардаги араб зодагонлари ҳокимиятни уммавийлардан аббосийларға олиб бериш орқали ўз



нуфузини күтариб олиш-ни мақсад қилган. Уммавийларга қарши ташвиқотта күшилган маҳаллий зодагонлар аббосийларга ён босиши орқали мавқе жиҳатдан араб зодагонлари билан тенглашиш, фурсат туғилиши билан эса, ҳокимиятни мустақил идора қилишни ўйлаган. Шунингдек, муҳолифатнинг асосий қисмини ташкил этган ҳунарманд, дәхқон ва савдогарлар оғир солиқлар, мажбурий ҳашарлар, ижтимоий соҳадаги ноизчил ислоҳотлардан чарчаган эди. Уларни аббосий тарғиботчиларнинг ҳамма мусибат ва қийинчилик-ларнинг асосий сабабчиси уммавийларнинг ворисийлик асосида олиб бораётган сиёсати эканлиги муҳолифатчилик харакатига қўшилишга унданған. Бу чақириқлар, нафақат дәхқон, савдогар ва ҳунармандларни, шу билан бирга, қулларни ҳам илҳомлантириб [13, С. 324; 14, С. 32; 15, Р. 53] юборган ва уммавийларга қарши муҳолифатга қўшилишга унданған.

Аббосийларнинг Хурросон ва Мовароуннаҳрдаги тарғиботчиси Абу Муслим бўлиб, у юқорида санаб ўтганимиз аббосийлар тарғиботининг маҳфий ва прагматис суратда боришини таъминлаган шахс сифатида тарихда қолди. Бу даврда уммавийларнинг хурсондаги ноиби Наср ибн Сайёр (738-748) эди. Аввалбошда Наср аббосийларнинг яширин тарзда олиб броган тарғиботлари сабаб Абу Муслим бошлиқ энг асосий муҳолифатчи гурурхга кеч вақт ажратди. Абу Муслим Насрни шиалар, хорижийлар, қабилавий низолар, шунингдек, Хурросон ва Мовароуннаҳр аҳолиси олдида ёлғиз қолдирди [13, С. 297-300]. Нафақат ёлғиз қолдирди, балки уммавийларга қарши гурухларнинг дилидаги муҳолифлик оловини алангалашиб ҳам турди. Насрнинг хорижийлар билан келишиш сиёсати барбод бўлди, маҳаллий аҳолининг аксарият кўпчилиги хорижийлар билан Исломнинг демократик тамойилини ёқлаб чиқсан бир пайтда маҳаллий аҳоли қатламларининг уммавийлар томонида тура олиши қийин эди.

Уммавийларга қарши гурухларни деярли ўз томонига оғдирган, бошқа кўплаб аҳоли қатламларининг уммавийларга қарши курашда аббосийларни қўллашига эришган Абу Муслим уммавийларга қарши курашни бошлаб юборди. Абу Муслим бундан олдинроқ ҳарбий ҳаракатлар Ҳозим ибн Ҳузайма бошчилигига бошлаб, 747 йил августда Марверудни эгаллаб дастлабки му-ваффақиятга эришганди. Ўша вақтда Тус шаҳридаги уммавийлар ҳокими Асад ибн Абдуллоҳ Абу Муслим ҳокимиятини тан олган [16, С. 111]. Бу гал Марв хўжайини бўлиб олган Абу Муслим кенг ҳарбий ҳаракатларни бошлади. Бу ҳаракатлардаги дастлабки зарба унга содиқликка қасамёд қилишдан бош тортган Шайбон ибн Мухаммадга қаратилган эди [13, С. 337]. Бу юришга Иброҳим Бассом бошчилик қилди. Шайбон мағлубиятга учратилди ва ўлдирилди [11, С. 69]. Навбатдаги хужум Тоҳаристон тарихий вилояти билан чегарадош Балхга қаратилди. Балхга хужум қилиш учун ҳам Абу Муслим ўзига энг содиқлардан Абу Довудни юборди [13, С. 337-338]. Диноварий берган маълумотларга кўра, Абу Муслим кучлари сафи ва географик доираси тобора кенгайиб борди. Унинг қалъаси атрофида Ҳирот, Бушанг, Марвируд, Таликон, Марв, Нисо, Обивард, Тус, Нишопур, Серахс, Балх, Чоғаниён, Тоҳаристон, Хутталиён, Кеш, Насаф ва бошқа вилоятлардан 100 мингдан ортиқ лашкар тўпланган эди. Етарли миқдорда куч тўпланганлигига ишонч ҳосил қилган Абу Муслим 747 йилда ўзининг қора рангли либос кийган қўшинларини уммавийларга қарши очиқ курашга даъват этди. Наср иби Сайёр 748 йилда Марвнини жангсиз ташлаб чиқди ва Нишопурга чекинди. Аммо Абу Муслум бошчилигидаги қўзғолончи кучлар Насрга ҳал қилувчи эарбани берганлар [13, С. 175]. Бу мағлубият уммавийлар ҳукмронлиги тақдирини узил-кесил ҳал қилган эди.



Шу тарика, Абу Муслим эришган муваффақият унинг обрў этиборининг Араб халифалигидаги кенг ёйилишига сабаб бўлди. Унинг қўшини тобора янги кучлар ҳисобидан қўпайиб борган. Тез орада аббосий тарғиботчилар Хуросонни эгаллаб олиб, 749 йилда Ироқ ва Жазоирда уммавийлар қўшинларига бир неча бор қақшатқич зарбалар беришга муваффақ бўлганлар. Шундан сўнг Абу Муслим лашкарлари пойтахт Дамашққа томон юриш қилди ва халифа Марвон II ни таҳтдан ағдарди. Бу жангларда лашкарбоши сифатида араб Кахтаба ва хуросонлик Холид ибн Бармоқ ўзларини қўрсатдилар. Халифалик тахти аббосийлар қўлига ўтди. Ҳижрий 132 милодий 750 йилда аббосийлар ҳокимиятига бутунлай хотима берган Забб жанги бўлиб ўтди [17, Б. 354]. Уммавийларга қарши Хуросон ва Мовароуннаҳрда ташкил топган муҳолифат аббосийларнинг ҳокимият тепасига келишига олиб келди. Абул Аббос Саффоҳ (750-754) биринчи аббосий халифа сифатида таҳтга ўтириди. Лекин шундай бўлсада, уммавийларга қарши чиқиб, аббосийларни қўллаган гуруҳлар ўзи кўзлаган мақсад-муддаоларга етиша олмади.

### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Стенли Лен-Пуль. Мусульманские династии / перевод с английского с примечаниями и дополнениями В.В. Бартольда. – Москва: РАН, 2004 . – С. 19-22;
2. Джалилов А. Согд накануне арабского нашествия и борьба согдийцев. ... – С. 98.
3. Наршахий Абу Бакр Мұхаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи / форс тилидан таржима ва изоҳлар А. Расуловники // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 62-63
4. Отажуяев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сүғд муносабатлари. – Тошкент: ART-FLEX, 2010. – Б. 108.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. М ва Х ҳарфлари. – Тошкент, 2000. – Б. 272, 659.
6. Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 82;
7. Shamsutdinov R. va b. Vatan tarixi. 1-kitob. – Toshkent: Sharq, 2010. – В. 129;
8. Эшов Б. Ўзбек давлатчилиги ва бошқарув тарихи. – Тошкент, 2012. – Б. 144.
9. Гумилев Л.Н. Кадимги турклар / Таржима, кириш сўз муаллифлари: Урдабекли Б., Айритомий А. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 383-384.
10. Donner F.M. Muhammad and the Believers, at the Origins of Islam. – Cambridge, 2010. – Р. 162.
11. Большаков О.Г. История Халифата. Апогей и падение. В 4-х томах. – Москва: Восточная литература, РАН, 2010. – С. 140-142.
12. Чураков М.В. Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма. – Москва: Наука, 1990. – С. 51.
13. История ат-Табари / Пер. с араб. В.И.Беляева с допол. О.Г.Большакова, А.Б.Халидова. – Ташкент: Фан, 1987. – С. 175.
14. Гафуров Б.Г. Таджики. Древнейшая, древняя и средневековая история. Кн. 2. – Душанбе: Ирфон, 1989. – С. 10-37.



15. Elton D. The Political and Social History of Khurasan under Abbasid Rule (747-820). – Chicago: Bibliotheca Islamica Minneapolis, 1979. – P. 53.
16. Кадырова Т. Из истории крестьянских движений в Мавераннахре и Хорасане. ... – С. 111.
17. Аҳмад ибн Йаҳйо ал-Балозурий. Футух ал-булдон. Ҳуросоннинг фатҳ этилиши / Сўз боши, араб тилидан тар., шарҳ., изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Камолиддин. – Тошкент: ТошДШИ, 2017. – 440 с